Ушбу сонда:
2 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!
3 БАҲОР ҚУВОНЧЛАРИ
4 СОБИР ХОДИЕВНИНГ «ХЕТ-ТРИК»И
«Пахтакор»дан умидимиз катта

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 март, сешанба №38 (1052)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ибрат

Дунёни гўзаллик қутқаради, деган гап бор. Унинг ёнига меҳр-оқибат, аҳиллиқни ҳам қўшгимиз келади. Башарти сиз Акмал Икромов туманига қарашли «Жўржоний» маҳалласида бўлиб, ажойиб одамлари билан суҳбатлашсангиз, шундай фикрга борасиз.

МАҲАЛЛАДА КАТТА ҲАШАР

Бу ерда Наврўзи оламни муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишлари қизғин. 14та кўчанинг ҳар бирида ариқлар тозаланмоқда, чиқиндилар чиқариляпти, дарахтлар оқланаётир. Кўча-кўй, хонадонлар атрофини кўкламзорлаштириш, ободонлаштиришда маҳалла аҳлининг деярли барчаси иштирок этмоқда. Шанба ва якшанба кунлари ҳашарлар уюштириляпти.

Маҳаллада яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили икки ёшгача боласи бўлган 1004 оилага 3209325 сўмлик, 16 ёшгача фарзанди бор 1585 оилага 4.060186 сўмлик нафақа пули берилди. 108 оилага эса 350400 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Хотира ва қадрлаш кунида уруш қатнашчиларини тўкин дастурхон тарофига таклиф қилиш анъана тусини олган. Шу куни автобус ташкил қилиниб, шаҳримизнинг зиёратгоҳ жойларига сайр уюштирилади.

Наврўз байрами куни кам таъминланган кишиларга моддий ёрдам берилади. Маҳалланинг «Садаф» гуруҳи хизматда бўлади.

Шу куни маҳалла тадбиркорлари ҳам мурувват кўрсатишмоқчи. Хусусий нотариус эгаси Муяссар Тошпўлатова ўтган йили 300 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб, Наврўз байрамини нишонлашга муносиб улуш қўшганлардан

Фахрийларнинг қадимий шаҳарлар - Бухоро, Самарқандга зиёратини уюштириш одатга айланган. Масалан, 90 нафар отахон ва 60 нафар онахонлар иштирокида саёҳат уюштирилди.

Турли тантана ва маросимларни ўтказишда ҳам тадбиркорлар хизмати катта. «Чевар» фабрикасининг филиали ҳудудда жойлашган уй бекаларини меҳнатга жалб қилишга ёрдам беряпти. 40 нафар аёл иш билан таъминлангани фикримиз далилидир. Маҳалла гузари учун фойдаланилган газ ҳақи филиал ҳисобидан бўлмоқда.

Маҳалла фаоллари Абдунаби Бобоев, Баҳром Тошпўлатовлар тўйларни ниҳоятда ихчам, чиройли ўтказилишини таъминламоқдалар. Ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликларга йўл қўйилмаяпти. Келин-куёвларга шу ернинг ўзида ЗАГС ва диний идора вакиллари ҳужжатлари топширилмоқда. Тўй қаерда бўлса, фақат ўша кўчанинг аҳолиси ва маҳалла фаоллари иштирок этишаётир.

Шунингдек, гузарни янгитдан қуриш ишлари бошлаб юборилди. Аёллар кенгаши аъзоларига алоҳида хона, отахонлар учун дам олиш хонаси, новвойхонани Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказиш режалаштирилган.

Қурилиш ишларига баҳоли-қудрат беминнат ёрдам бераётган маҳалла фаоллари ҳам бор. Абдували Ҳасанов 30 минг сўм, 4000 та ғишт, Илҳом Одилов 3 тонна цемент олиб берди. Гузар қурилишида эса ўнлаб кишилар ҳашар йўли билан иштирок этмоқдалар.

— Инсоннинг энг асосий эҳтиёжлари учун қулайликларни яратишга ҳаракат қилаяпмиз, - дейди маҳалла қўмитаси раиси Бахтинур Саидов. - Аҳоли учун иккита озиқ-овқат дўкони хизмат кўрсатаётир. Ёшларимизнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш мақсадида 40 сотих ер ажратилиб, спорт мажмуасини қурмоқчимиз. «Оналар ва болалар йили» муносабати билан кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга ёрдам уюштирилмоқда. Гузар атрофида аёллар сартарошхонаси, тиш даволаш пункти Наврўз байрамига фойдаланишга топширилади. Бошқа жойлардагидан нисбатан арзон новвойхона шу куни ишга туширилади. Ҳокимликнинг ва маҳалла қўмитасининг маблағи ҳисобига кутубхона ташкил қилинади. Бу ишларнинг барчаси маҳалла аҳли ҳамжиҳатлиги самарасидир. Ахир, аҳилликда ҳикмат кўп, деб бекорга айтишмаган.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ишонч» мухбири.

Мустақиллик йилларида Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» корхонаси ҳар томонлама ривожланиб, қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. Эндиликда бу ердаги замонавий технологияни ўз кадрларимиз моҳирлик билан бошқаришмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ўта сифатли маҳсулотларга харидорлар ортиб бормоқда.

Суратларда: (чапда) қадақловчи З. Одилчаева ва ёшлар мураббийси М.Қаҳҳоров маҳсулот сифатидан мамнун; машинист Х.Каримова.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БИР КУНЛИК МАБЛАҒ

эҳтиёжманд оилаларга

Анъанавий Наврўз байрамига қашқадарёликлар ҳам пухта тайёргарлик кўришмоқда. Вилоятнинг барча жойларида кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш намунали бормоқда. Жумладан, шаҳрисабзликлар умумхалқ ҳашари уюштирди: бир кунлик маблағ кам таъминланган оилалар, ногиронларга байрам совғаси сифатида топшириладиган бўлди.

Вилоятдаги ўқув юртлари, корхона ва муассасаларда «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари, турли-туман спорт мусобақалари, кўклам мушоиралари ўтказилмоқдаки, бу ҳам мамлакатнинг жанубий гўшасида Наврўз аллақачон бошланиб кетганлигидан дарак беради.

ЧЎЛ ЯШИЛЛИККА БУРКАНАДИ

Арнасойликлар 300 минг туп манзарали, 25 минг туп мевали дарахт кўчатлари экиш ишларини бошлаб юборишди.

— Ер шароитимиз оғир. Бу кўпчиликка маълум. Аммо нолийверсак яхшиланиб қолармиди? - деди туман ҳокимининг ўринбосари Қўлдош Сандибоев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. - Ўтган йиллар ичида ҳам бу ерларга юз минглаб кўчатлар келтирилиб экилган. Бироқ кўчат экилгану ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Оқибатда бир қисм кўчатлар сувсизлигу қаровсизликдан қуриб қолган бўлса, бир қисми чорва томонидан пайҳон қилинган. Бу йил эса ҳар бир кўчатни эккан одам унга йил бўйи ўзи қарайди.

Тумандаги «Фарғона», Бобо Файзиев номли хўжаликларда кўкламги кўчат экиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу жараёнда фермерлар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Жумладан, «Лочин» фермер хўжалиги аъзолари ўқариқларнинг четига 5 минг тупдан ортиқ терак қаламчаларини экиш билан бирга ҳамкасбларига 50 минг дона кўчат етказиб беришди. Фермер Рустам Ўтабоевнинг айтишича, беш-олти йиллик вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Бу орада эса бугун ерга қадалган қаламча катта дарахтга айланиб ўз соҳибига қут-барака келтиради. Шундай бўлгач, бугун вақтнинг, имкониятнинг қадрига етиб яшаш керак-да. Мана, сизга арнасойлик фермернинг фалсафаси.

Бор бўл, элим!

Инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати оғир кунларда яққолроқ билинади. 2000 йилнинг 20 апрели ва 2001 йилнинг 18 январида бўлиб ўтган зилзила қамашиликларни жиддий синовдан ўтказди. Табиий офат туфайли тумандаги кўплаб халқ хўжалик, маданий-маиший бинолар, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, аҳоли турар-жойлари катта зарар кўрди.

ОФАТ ВА ОҚИБАТ

190 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган, азалдан танти ва фидойи қамашиликлар яккаланиб қолишмади. Оғир кунларда бутун воҳа оёққа турди. Бағрикенглик ва вазминлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ғолиб келди.

Ўзбекистон Президенти, республика ҳукумати, тегишли вазирликлар, концернлар зилзила оқибатларини тугатишга яқиндан ёрдам бердилар. Тезкор гуруҳ тузилди ва у кеча-ю кундуз ишлади.

— Юксак интизом ва уюшқоқлик, ҳар бир юмуш ўз вақтида бажарилганлиги самара берди, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокимининг қурилиш ва ободончилик ишлари бўйича ўринбосари Усмон Кенжаев. — Зилзиладан зарар кўрган халқ хўжалиги иншоотлари ҳамда хонадонларда қурилиш ва таъмирлаш ишларига зудлик билан киришилди.

Қамашининг ҳозирги қиёфасини кўрган киши қурувчилар жасоратига таҳсин айтади. Зилзила зарар етказган биноларни тиклаш учун давлат бюджетидан ажратилган 3 миллиард 653 миллион 900 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Аҳолига 20 миллион сўмлик моддий ёрдам, 295 оилага 17 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди

Дастлабки натижалар ёмон эмас. 12 та янги қуриладиган мактабдан 2 таси ишга туширилди. 8 та болалар боғчасининг ҳаммаси, 20 та соғлиқни сақлаш иншоотларидан 7 таси фойдаланишга топширилди. Таъмирланиши лозим бўлган 21 мактабдан 9 тасида ишлар ниҳоясига етказилди.

Азим Зайниддинов раҳбарлик қилаётган Хисорак гидроқурилиш бошқармаси кучи билан «Фарғона» жамоа хўжалигининг Карвон қишлоғида 315 ўринли, Талимаржон ГРЭСи қурилиши бошқармаси бунёдкорлари томонидан «Ғаллакор» жамоа хўжалигининг Каттатол қишлоғида 355 ўринли мактаб қисқа муддатларда қуриб битказилди. «Қаршисаноат тураржой қурилиши» трести қўли гул қурувчилари 90 ўринли туғруқхона, тиш даволаш поликлиникаси, неврология шифохонаси, 19-деҳқон қурилиш трести жамоаси педагогика коллежи биносини тиклаб бердилар.

Қамаши шаҳрида, жамоа хўжаликларида яшовчи 71 та кам даромадли оила аниқланиб, ҳомийлар саховати туфайли улар уй-жойли бўлишди. Вилоят автомобил йўллари бошқармаси бошлиғи Қурбон Панжиевнинг ҳиммати туфайли иккинчи гуруҳ ногирони Абдисаттор Аллаев, Сайфулла Нурматовга, Қашқадарё электр тармоқлари бошқармаси томонидан нафақахўр Шайман Муртазаевга, Талимаржон ГРЭСи қурилиши бошқармаси ғайрати билан Ойшаҳар Муҳаммадиева, Эшонқул Умаровларга янги уйлар қуриб берилди.

Туман марказида қурилиш материаллари билан савдо қиладиган дўкон ишлаб турибди. 157 нафар ёлғиз қариялар ва ногиронларга қарийб 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейишади доноларимиз. Шу кунларда Қамаши улкан қурилиш майдонига айланган. Зилзила оқибатларини тугатиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Таҳлил, танқид, таклиф

Президентимиз ўтган йили Сирдарё вилоятида фермер хўжаликлари фаолиятига эътибор сустлиги, ерни ўз эгалари қўлига топшириш пайсалга солинаётганлигини танқид қилганди. Хўш, шундай экан, ўтган вақт мобайнида фермер хўжаликларига бўлган муносабат ўзгардими? Қолаверса, тадбиркорларнинг эртанги режаси қандай? Мухбиримиз вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Шавқиддин МИРЗАЕВ билан ана шулар хусусида суҳбатлашди.

ФЕРМЕР МАНФААТИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА?

— Эндиликда деҳқон-фермер хўжаликларига муносабат янгича мазмун касб этди. Ерни ўз эгаларига топшириш, уларга имконият яратиб бериш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Чунончи, 1217 нафар фуқаро ер олиб, ўз фермер хўжалигини ташкил этди. Айни пайтда фермер хўжаликлари 24029 нафар кишини иш билан таъминлаб келмоқда. Ўтган йилда улар 185 тонна гўшт, 1236 тонна сут, 48620 тонна дон, 78918 тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирдилар. Бир сўз билан айтганда ишлаб чиқаришни ривожлантириш туфайли моддий манфаатдорлик ортди. Ишчиларга тўланаётган меҳнат ҳақи бир неча баробар ўсди.

Юқори ҳосил етиштиришда тадбиркорларимиз олдинги сафларда боришаяпти. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ҳуқуқий шахс мақомини олган деҳқон хўжалигига айлантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз. 100247 та шахсий ёрдамчи хўжаликнинг 27143 таси деҳқон хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди. Шундан 6 та деҳқон хўжалигига ҳуқуқий шахс мақоми берилди.

Тан олиш керак, кўп ҳолларда фермерлар техникадан қийналиб қолишади. Шунинг учун биз уларга тақсимланган мулк асосида муқобил машина-трактор саройини ташкил этишга эришдик. Бу борадаги камчиликларга барҳам бериш мақсадида минитехника, қайта ишлаш асбоб-ускуналари ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича уч марта кўргазма уюштирилди.

— Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётганлар даромади ҳақида тўхталсангиз?

— Ўтган йили вилоятимиз ҳокимлиги шартнома режасидан ортиқча топширган ғаллани фермер хўжаликларида қолдириш ташаббуси билан чиқди. Бу эса омилкорлар моддий манфаатдорлигини оширди. Мисол учун Мирзаобод туманидаги Р.Холбоев бошлиқ «Икром» фермер хўжалиги шартнома режасидан ошиқ 140 тонна буғдойни ўз аъзоларига тарқатди.

Пахтакорларга эса ойлик маошга қўшимча пахта ёғи, кунжара, шелуха олиш имконии яратилган. Масалан, ўтган йили Боёвут туманидаги «Мурод» фермер хўжалиги 10,6 тонна ёғ, 43,1 тонна кунжара, 49,2 тонна шелуха, Оқолтин туманидаги «Ҳумо» фермер хўжалиги 8,3 тонна ёғ, 34 тонна кунжара, 38,8 тонна шелухани ўз аъзоларига қўшимча иш ҳақи сифатида тарқатди.

Тадбиркорларимиз ногиронлар, кам таъминланган оилалар, кексалар ва қаровчисини йўқотган оилаларга моддий кўмак беришни ўзларининг инсонийлик бурчи, деб билмоқдалар. Ана шундай ёрдамга мухтожларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. Боғча, мактаб ва болалар уйларига 192,8 минг сўмлик, қишлоқ инфратузилмаси учун 374,5 минг сўмлик маблағ сарфладилар. Наврўз ва мустақиллик байрамлари арафасида бемор ва қариялар, кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиш анъанага айланган.

Фермер бойиса уй қуради, ўзи ва ишчилари шароитини яхшилайди. Хайру-савоб ишларга қўл уради. Ўтган йилда Гулистон туманидаги «Нажмиддин ота» фермер хўжалиги 1400 килограмм буғдой, 30 килограмм ёғ, «Равшанбой» фермер хўжалиги эса 200 литр сут, 150 килограмм гўшт, Сирдарё туманидаги «Танибек ота» фермер хўжалиги 1 тонна буғдой, Сайхунобод туманидаги «К.Мирзаев» номли фермер хўжалиги 5000 килограмм буғдойни кам таъминланган оилаларга улашди. Бундай эзгу ишларни янада кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

— Фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш ҳамда фьючерс шартномаларининг ижроси қандай?

— 90 та деҳқон ва фермер хўжаликларига 167,1 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу йўналишда тўсиқлар олиб ташланганлиги тадбиркорларимизга ўз фаолиятларини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Вилоятимизда 17 та замонавий бозорларнинг қуриб ишга туширилиши фермерларимизга ҳам қўл келмоқда. Мавжуд бозорлар билан тузилган фьючерс шартномаларига асосан бозори чаққон маҳсулотлар учун олдиндан буюртмалар олинаётир. Муҳими, деҳқон-фермерларимизга сотиладиган маҳсулот учун аванс пуллари тўлаб берилмоқда. Ўтган йили 193 та контрактация ва 207 та фьючерс шартномалари имзоланди. Бундан ташқари 1578 тонна маҳсулот вилоятдан ташқари жойлашган бозорларга етказиб берилди.

— Ер умрини бехуда ўтказаётганлар ҳам бор...

— Тўғри, ер олиб, ишлашнинг уддасидан чиқолмаётганлар ҳам йўқ эмас. Ўтган йили 60 га яқин фермер хўжалиги муайян гектарларга ғалла уруғи қадаб бир тонна ҳам ҳосил топширолмадилар. 556 та жамоа пахта сотиш шартномавий режани ошириб уддалаган бир пайтда 95 нафар фермер бу борадаги мажбуриятларини бажара олмади. Ер, суви бир, даласи-даласига туташ жамоаларда икки хил манзара. Бундай ҳолнинг такрорланмаслик чора-тадбирларини кўрдик.

Вилоятимизда фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Фермер хўжаликлари ривожи учун яна нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Жорий йилдан умидимиз катта. Янги ҳосил учун шартномалар имзоланди. Ерларимиз тайёр ҳолатга келтирилди. Ўтган йили ишга тўғаноқ бўлган баъзи муаммолар бу йил ҳам юзага қалқиб чиқишининг олдини олиш чоралари кўрилаётир.

Суҳбатдош:
Н.ШАМСИЕВ.

Аввал Ватан, кейин-жон!

«Шуҳрат» медали соҳиби

Гуруҳ командири катта прапоршик Муродбой Абдураҳмонов қорақалпоғистонлик. Шу ерда савдо техникумини тугатгач, уч йил денгиз флотида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Унинг шартнома бўйича хизмат қилаётганига ҳам 20 йил бўлди.

БИЗНИНГ ПРАПОРШИК

Касбий бурчи юзасидан, тақдир тақозоси билан Муродбой қатор хорижий мамлакатларда ҳам хизмат қилган. Таъмирлаш хизмати бошлиғи, взвод командири лавозимларида фаолият кўрсатган. Ҳарбий жамоада иззат-ҳурмати жойида.

Умр йўлдоши Гулсарахоннинг ҳам ҳарбий либос кийиб, шартнома бўйича хизмат қилаётганига 10 йилдан ошди. У — кичик сержант. Фарзандлари — Мавлуда, Дилафруз, Ўрозимбет ва Маликалар, неваралари — Мафтуна билан Иродахонлар уларнинг фахри, қувончи.

Тажрибали катта прапоршик фидойи хизматлари эвазига Ватан мукофотига сазовор бўлди. Мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишга, миллий хавфсизлигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси, жамоат ишидаги фаол иштироки эвазига унинг кўксини «Шуҳрат» медали безади.

Жанговар машина ҳайдовчиларини талаб даражасида тайёрлаш кўп жиҳатдан улар бошқарадиган техникаларнинг нечоғлик созлигига, шунингдек, инструктор-ҳайдовчилар маҳоратига боғлиқ. Катта прапоршик Муродбой Абдураҳмоновнинг қўл остида ана шундай инструктор-ҳайдовчилар хизмат қилишади. Уларнинг барчаси ўз ишига садоқатли, касбини дилдан эъзозлайдиган ҳарбийлар. Ўқув жараёни таъминоти взводи шахсий таркибининг ҳар галги ўқув мавсуми синов машғулотларида фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар олиб келишаётганининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

— Катта прапоршик Абдураҳмоновнинг хизматидан ҳам, унинг қўл остидаги ҳар бир мутахассис фаолиятидан ҳам жуда мамнунмиз, — дейди қисм командири подполковник Анваржон Неъматов. — Мазкур жамоа аъзолари барча тайёргарликлар бўйича мудом пешқадам. Тартиб-интизом бобида ҳам мақтаса арзигулик. Бу азамат йигитлар таъмирлаган ёки улар техник хизмат кўрсатган жанговар машиналар бирон маротаба бўлса-да, панд берган эмас.

Яқинда шундай вазият юз берди: бир ҳафтадан кейин ўтказилиши мўлжалланган дала-ўқув машғулотлари олдинга кўчирилди. Бироқ бундан катта прапоршик саросимага тушгани йўқ, баҳона ҳам изламади. Қўл остидаги йигитлар билан тунлари ишлади. Ишлаганда ҳам «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида эмас. Барча техникалар талаб даражасида шай ҳолатга келтирилди: мойланди, совутиш системаси текширилди, таъмирталаб машиналар шай ҳолга келтирилди. Натижада қисм ўз олдига қўйилган вазифани тўла уддалаб, қўмондонликнинг олқишига сазовор бўлди.

— Гуруҳимиз йигитларининг ҳар бири ҳақида фақат илиқ фикрлар билдиришим мумкин, — дейди жамоа сардори катта прапоршик Абдураҳмонов. — Уларнинг барчаси ўз ишининг устаси бўлмиш ҳарбий мутахассислар. Йигитларимиз айнан шундай бўлишгани учун кузги синов якуни бўйича ҳам гуруҳимиз илғор жамоа деб топилди. Қўлга киритаётган бу ютуқларимизга шартнома бўйича хизматдаги катта сержантлар — Сапарбой Абдуллаев ва Бахт Нуриддинов, оддий аскар Соат Исломов каби она-Ватан ҳимоячилари айниқса салмоқли ҳисса қўшишди. Бундай жонкуяр, фидойи ва ишнинг кўзини биладиган йигитлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Бу йил мустақиллигимизнинг 10 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу улуғ тўйни, улкан тантанани муносиб кутиб олиш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Мана ҳозирда барча қисм ва бўлинмаларда навбатдаги мавсум — ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда. Катта прапоршик йўлбошчилик қилаётган жамоа азаматлари ҳам мазкур ўқув мавсумига олдиндан пухта тайёргарлик кўриб, мавжуд техникаларни узлуксиз ишлашга тахт қилиб қўйишган. Шундай бўлгач, уларнинг бу галги синов машғулотларида ҳам юқори натижаларни қўлга киритишлари, Ватанимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Х.ЖУМАНАЗАРОВ,
подполковник.

ЎЗБЕКИСТОН АСКАРЛАРИ

Шайлаб қурол-яроғингиз,
Сергак бўлсин ҳаётингиз.
Тиниқ сақланг осмонимиз,
Ўзбекистон аскарлари!

Тутинг аждодларнинг йўлин,
Кўп машқ айланг, кучга тўлинг.
Устоз Мангуберди бўлинг,
Ўзбекистон аскарлари!

Ибрат бўлсин Собир Раҳим,
Даф этмоққа ёв лашкарин.
Мустаҳкамланг навкар сафин,
Ўзбекистон аскарлари!

Сизу бизга Ватан азиз,
Озод ҳаёт қандай лазиз.
Ҳимоячи фарзандимсиз,
Ўзбекистон аскарлари!

Эшниёз ЎРОЛОВ,
меҳнат фахрийси, Нурота тумани.



Жанговар машиналар командири сержант Фурқат Назаров ўз сафдошлари орасида катта ҳурмат-эътиборга эга. У ўз ҳарбий тайёргарлигини ошириш борасида ҳамиша қунт билан ишлайди.

Ёш жангчилар ҳар қадамда ўз командирлари Фурқат Назаровга тенглашиш учун ҳаракат қиладилар.



Фарҳод Кўчқоров 1999 йили Фарғона вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган. Ҳозир бўлинма командири лавозимида хизмат қилаётир. Сержант Кўчқоровнинг акаси ҳарбий хизмат муддатини тугатгач, армияда шартнома бўйича хизмат қилишга қолган эди. Фарҳод ҳам акасининг изидан боришни ният қилиб қўйган.

Сержант Кўчқоров ҳарбий тайёргарликда аъло натижаларга эришиш билан бирга спорт билан ҳам шуғулланади. У кикбоксинг бўйича кейинги пайтларда катта ютуқларни қўлга киритаётир.

Бўлинма командири ҳарбий тайёргарликда, шунингдек, жисмоний тарбия борасида ўзгаларга намуна бўлмоқда.

Суратда: сержант Фарҳод Кўчқоров.

Н.ЮСУПОВ олган сурат.

Юракда қолган гаплар

СИЗ ФАХРИМСИЗ, ШАҲИД БИРОДАРЛАРИМ!

Фожеанинг ранги бўлармикин? Рассом бўлганимда чизишга уриниб кўрардим. Фарзанди Ватанни ҳимоя қила туриб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган отанинг, онанинг, халқнинг тинчлиги, осойишталигини деб шаҳид кетган суюкли ёрининг доғида куйган аёлнинг, қаҳрамон отасидан бевақт етим қолган фарзанд кўзларидан кўчирардим уни. Сўнгра бу мискинлик сабабчиси — разил душманлар, динни ниқоб қилиб олган ғанимларга бўлган ғазаб, нафратни излардим бу кўзлардан.

Сариосиё ва Узун туманларида бир тўда ғаламисларга, диний экстремист ва халқаро террорчиларга қарши курашиб, жон фидо қилган биродарларимни эслаганимда, хотирлаганимда кўпинча қалбим ларзага келади. Хаёлларим гўё боши берк кўчага кириб қолади.

Ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанасини ёзишга борганимда, ўғлим Шерзод ҳам мен билан бирга эди. «Қадам бос!» деган буйруқ унга маъқул келган шекилли, ёдлаб олган. Уйда ўз-ўзига буйруқ бериб, шаҳдам қадам ташлашга дадил ҳаракат қилади. Бу манзарани кулиб, анча кузатдим. Аммо хаёлимга келган бир фикрдан жиддийлашаман. Сурхон воҳасида қони тўкилган жигарларим, сизнинг буюк истиқболимиз ҳимояси учун ташлаган дадил қадамингизни, қатъиятингизни фарзандлар — буюк келажак эгалари давом эттиришмоқда.

Розия ая, ўғлингиз лейтенант Сайёр Саъдинов ўлмаган. Ахир, ҳеч замонда Ватан ҳимоячиси матонати, жасоратини ўлдира олишганми? Мардлик тимсолида доимо биз билан биргадир қаҳрамонингиз!

«Лейтенант Бобуржон Ғаниев Марғилонга энди қайтмайди, у мангуга кетди», деб ким айта олади? Бобуржон эрксевар қалбларда муҳаббат бўлиб яшайди, жасорат бўлиб қайта туғилаверади.

Тожиқўзи бобонинг пешонасига яқинда тушган ажин бор. «Қисматнинг пешонамга битган бу ёзувини кўрмай кетсам бўлмасмиди?» дея манглайини силайди бобо. Бу ёдгорлик — ажин, невараси катта лейтенант Алишер Салимов Сариосиёда истиқлолимиз душманларига қарши курашда мардларча ҳалок бўлганида бобога «насиб» этди. Боболаринг, буюк аждодларинг ўгитларига, анъаналарига содиқ қолдинг, ўғлон! Бу буюк анъаналарга ўзинг ҳам мардлик тимсоли бўлиб кирдинг. Демакки, авлоддан-авлодга, қондан-қонга ўтиб яшаяжаксан, Алишер!

Сен мустақиллигимиз меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг илк қалдирғочларидан эдинг, биродарим, катта лейтенант Шермуҳаммад Аширов! Кўнглинг юксакликка парвоз этмоқни тусарди доим. Ватанингга садоқатинг энг юксак чўққисини забт этганча, бу дунёни тарк этдинг...

Маҳлиёнинг Маҳмуджон акаси энди йўқ. Катта лейтенант Маҳмуджон Жалилов Сурхондарёда бир гуруҳ манфур террорчиларга зарба бериб, юртини ҳимоя қилиб, мардларча ҳалок бўлди. Аммо эри, шунқори Маҳлиёнинг муҳаббатида мангу барҳаёт.

Қизалоқ улғаяди, оққорани танийди. Табиийки, отаси ҳақида сўрайди. «Даданг Қаҳрамон эди, қаҳрамонлигича қолди», - дейишади унга. Шартнома бўйича хизмат старшинаси Қаҳрамон Мадалимовнинг мардлиги кўп авлодларга мактаб бўлғуси.

Иним, катта сержант Маъруфжон Ражабов! Мана, баҳор келди. Қабрингни қип-қизил лолалар безайди. Улар қабрингдан бош кўтараётиб жасорат ҳақида, матонат ҳақида мангу ҳаёт қўшиғини куйлашади.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Дониёр Тожибоевнинг орзулари, армонлари бугун тилга киради: «Мен учун ҳам яшанг, одамлар!»

Сирдарё катта сержант Эломон Отажоновни кўнгил сирлари билан бағрига олади. Дарёнинг яна бир сири ортди. Сайхунга термул, балки бу сирни англаб етарсан, замондош!

Кўкси қўрғон каби йигитларинг бор, Каттақўрғон! Душман ҳамласи, ғаним ўқи ҳам бу қўрғонларингни қулата олмайди. Сержант Улуғбек Барноевдек ўғлонинг ўзидан садоқат, жасоратдек қўрғонларни қолдириб кетди.

Фарғонанинг Учкўпригида кичик сержант Юнусжон Охунов руҳига тиловат қилишади. Фарзандларини Юнусжондек мард, жасур, ўктам қилиб тарбиялашга интилишади одамлар.

Ватан ҳимоячилари хотираси ҳеч қачон хира тортмайди. Шу боис, Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларида диний экстремист ва халқаро террорчиларга қарши курашиб, мардларча ҳалок бўлган ўғлонларимиз яна бир бор юракларимиздан ўтди. Зеро, бу қаҳрамонларимиз миллатимиз, халқимиз қалбида мангу яшайдилар.

Алижон САФАРОВ,
катта лейтенант.

ШОҲСУПАДА «ВАТАНПАРВАР» КЛУБИ ВАКИЛИ

Сўнгги йилларда Наманган вилоятида спортнинг барча турларида қувонарли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни яқинда ниҳояланган шарқона якка кураш — каратэ бўйича республика чемпионати натижалари яна бир бор намойиш этди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар терма жамоалари иштирок этган биринчилик беллашувларида Наманган туманидан ёш каратэ устаси Достон Турғунов жамоасига илк олтин медални туҳфа этган бўлса, 14 ёшли қизлар ўртасида мутлоқ вазнда кечган баҳсларда «Умид» клуби тарбияланувчиси Гулбаҳор Дадабоевага тенг келадиган рақиб топилмади. 60 килограмм вазндаги иштирокчилар беллашувида «Ватанпарвар» клуби вакили, мамлакат чемпиони Жобир Қосимов ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, Музаффар Асқаров, Ойбек Собиров, Расул Раҳимов, Дилшод Меҳмонов, Отабек Юсупов, Элбек Мирзаропов, Мурод Давидовлар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



ХАЛҚ ВА АРМИЯ МУШТАРАК

Халқ ва армия бирдамлиги, мақсад муштараклиги бугунги кунда, айниқса, муҳимдир. Ана шу маънода Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ҳарбий қисмларда ўтказилаётган учрашувлар эътиборга лойиқ. Қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг офицер ва аскарлар билан учрашуви даставвал Фарғонада бўлиб ўтганди. Бу гал Олий Мажлис, вилоят, туман, шаҳар депутатлари, ҳокимликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» сингари қатор жамоатчилик ташкилотлари вакилларидан иборат делегация Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Делегация аъзолари майор Илҳом Мирёқубов хизмат қилаётган ҳарбий бўлинма ҳамда қўриқлаш бўлинмаси аскар ва офицерлари билан учрашдилар. Казарма, дам олиш хоналари, ошхона, тиббиёт бўлимларида бўлишиб, шароитларни кўздан кечиришди. Муаммолар, аскарларнинг маданий-маиший ҳаёти, ҳарбийлар саломатлиги, билим даражалари борасида ўзаро фикр алмашишди.

Гарнизон таркибидаги ҳарбий бўлинмалар вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Уни офицер Шарофиддин Абдурайимов олиб борди. Олий Мажлис Хавфсизлик ва мудофаа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Илгизар Собиров қўмитанинг асосий вазифалари, бугунги кундаги фаолияти хусусида сўзлаб берди. Халқ ва армия бирлигини янада мустаҳкамлаш энг муҳим ва долзарб вазифалардан эканлигини таъкидлади. Олий Мажлис депутати Шоира Умарова бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, депутатлик фаолияти борасида гапирди. Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бошқармаси бошлиғи майор Абдумалик Алиев учрашувнинг асосий моҳияти, шунчаки бир мулоқот эмас, балки юзага келиб қолган мавжуд камчилик, нуқсонларни биргаликда ҳал этиш, ҳарбийлар фаолияти, ҳаёти билан яқиндан танишиш эканлигини айтди.

Қарийб икки ярим соат давом этган ушбу учрашув қизғин баҳс, мунозараларга бой бўлди.

Учрашув пировардида вилоят кенгаши депутати Комилжон Қобилов шундай деди:

— Президентимиз таъкидлаганларидек, «Шу азиз Ватан — барчамизники». Шундай экан, унинг ҳар бир қарич ери, суви ҳаммамизга қадрли, эъзозли. Муқаддас Ўзбекистонимизнинг чегаралари даҳлсизлигини таъминлаш, офицер ва аскарларга имкониятимиз борича ғамхўрлик кўрсатиш, уларга елкадош бўлиб, муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бизлар улар билан доимо ҳамкормиз.

Б.ТЎЙЧИЕВ,
журналист.

КЎНГЛИМ ЖОЙИГА ТУШДИ

Мен собиқ шўролар даврида, Узоқ Шарқ ўрмонларида хизмат қилганман. У ердаги қийинчиликларни, мана, неча ўн йил ўтса ҳамки унутолмайман. Шу сабаб, бундан олти ой муқаддам ўғлим ҳарбий хизматга чақирилганда, уни безовталик билан кузатиб қолдим...

Бундан уч кун аввал унинг ёнига бориб келдим. Мени ҳарбий қисм командирининг ўзи кутиб олди. Ўғлим Ғайратжон хизматнинг нисбатан оғир кечадиган ярим йилини муваффақиятли ўтказиб олибди.

— Буёғи энди осон кечади, - дейди у кулиб.

Мен ўғлимнинг сафдош дўстлари билан кўришдим. Ҳаммалари ака-укалардек, бир ота-онанинг фарзандларидек иноқ. Айниқса, йигитларимизнинг жисмоний жиҳатдан тўлиб, етишганликларига амин бўлдим.

Республикамиз жанубидаги бу вилоятдан кўнглимга ёруғлик тушганича қайтдим. Хавотирланишим беҳуда эканлигига, энг асосийси, юртимиз муҳофазаси ишончли қўлларда эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Жўрабой ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳри, Қорасув даҳаси.

«ШАРК МИР ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ



Ҳур Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган
энг қадрли, энг азиз байрам —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий мубораклаб этади.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланадиган унутилмас йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин.

АКЦИЯДОРЛИК — ТИЖОРАТ
«ПАХТАБАНК»

Кенгаши ва бошқаруви
барча акциядорларни ҳамда мижозларни
НАВРЎЗ
байрами билан қизғин қутлайди.



Улуғ байрам шодиёналари оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, қут-барака олиб кирсин!

Касаба уюшма тадбирлари

Футбол

«АЛОҚАЧИ» – БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг муҳташам спорт зали бир неча кун ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда мини футбол бўйича Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун касаба уюшмалари жамоалари ўртасидаги тармоқлараро биринчилик мусобақалари ўтказилди.

Айниқса, «Алоқачи» - «Енгил саноат» ҳамда «Авиатор» - «Тадбиркор» жамоалари ўртасидаги ўзаро ўйинлар ғоят муросасиз ўтганлиги билан ажралиб турди. Агар ғолибликка асосий даъвогарлардан саналган Авиация ходимлари жамоаси мусобақаларда унчалик ҳам яхши иштирок эта олмаётган «Тадбиркор» футболчиларини мағлубиятга (3:2) учратган бўлса, шу пайтга қадар фақат ҳужумкорона ўйин кўрсатаётган Алоқа ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси жамоасининг «Енгил саноат» жамоаси устидан зафар қучишида дарвоза тўсинларининг «ҳиссаси» катта бўлди. «Автомобилчи» - «Ўқитувчи» ҳамда «Локомотив» - «Энергетик» жамоалари учрашувлари эса Автомобил ва йўл транспорти ходимлари ва темирйўлчиларнинг яккол устунлиги билан ўтди...

Ниҳоят, учрашувлар поёнига етиб, ғалвирни сувдан кўтарадиган палла етиб келди. Биринчилик беллашувларида бирон марта бўлса ҳам мағлубиятга учрамаган «Алоқачи» 19 очко жамғариб, бош соврин соҳибига айланди. Жамоага мусобақа кубоги, медал, диплом ва кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Кейинги ўринларни қўлга киритган Авиация ходимлари ҳамда Автомобил ва йўл транспорти ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталарининг «Авиатор» ва «Автомобилчи» жамоалари ҳам муносиб тарзда тақдирландилар.

Шунингдек, мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари, иштирокчиларини тақдирлаш маросимида турли номларда таъсис этилган махсус совринлар ҳам ўз эгаларини топди. «Энг кекса иштирокчи» соврини «Ўқитувчи» футболчиси Улуғбек Мирҳўжаевга, «Энг яхши ўйинчи» соврини «Автомобилчи» вакили Видади Мирзаевга, «Энг яхши дарвозабон» соврини «Автомобилчи» қўриқчиси Николай Низовцевга, «Энг яхши ҳимоячи» соврини «Енгил саноат» ўйинчиси Обиджон Абдуллаевга, «Энг фойдали ўйинчи» соврини «Тадбиркор» аъзоси Юрий Вахитовга, «Энг моҳир тўпурар» соврини «Алоқачи» ҳужумчиси Лазиз Жўраевга тақдим этилди. Бундан ташқари, мусобақа ҳакамлари ва мураббийларга ҳам махсус совринлар топширилди.

Кўтаринки руҳда ўтган мусобақалар якунида иштирокчилар ва ҳакамлар фикри билан қизиқдик.

Фофур Эшонқулов, «Ўқитувчи» аъзоси:

— Гарчи биринчилик совриндорлари сафидан жой олиш жамоамизга насиб этмаган бўлса-да, умумий иштирокимиздан қониқиш ҳосил қилдим. Ўзим тўпурарлар сафидан жой олдим. Ўйлайманки, келгусида бу каби беллашувлар анъанавий тусга киради.

Шуҳрат Расулов, мусобақа бош ҳаками:

— Беллашувлар ҳар ҳафтанинг шанба кунига белгиланиши ўйинларнинг қизиқарли, кутилмаган натижалар билан давом этишини таъминлади. Ҳакамларнинг ўйинларни одилона, вақти келганда қаттиққўллик билан бошқариши футболчилар ва жамоа мураббийлари норозилигига сабаб бўлмади.

Лазиз Жўраев, «Алоқачи» ҳужумчиси:

— Мен пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган касаба уюшмалари тасарруфидаги профилакторий-санаторийда спорт клуби мудири бўлиб ишлайман. Биринчилик ташкилотчиларига мусобақаларни кутилганидек юксак савияда ўтишини таъминлаганликлари учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.



Жиззах шаҳридаги янги меҳмонхона.

Ш.АКРАМОВ олган сурат.

ТУРМУШГА ҚЎШАР ҲУСН

Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.
О.Балзак.

Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир.
Сукрот.

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди, Шараф тожи эрур оёғин гарди.
Жомий.

Эр яхши бўлса, хунук хотин ҳам гўзал бўлур.
Қирғиз мақоли.

Яхши хотин — турмушга қўшар ҳусн.
Тожик мақоли.

Она жаҳли мисоли ёзги қор, кўп бўлса ҳам тез эрир.
Татар мақоли.

Тўпловчи А.АЛИЕВ.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида

ЭЛЁР ДЕҲҚОН

Ҳузорда Элёр деган деҳқон бор эди. Оиласи катта, серфарзанд киши эди. Шу одам коризлар қазиб, адирликка сув чиқариб, кенг узумзор боғ яратибди. Бу ишларни бажаргунча анча-мунча сарф-харажат қилибди. Кориз илми устаси ва лаҳм қазувчилардан бироз қарздор ҳам бўлиб қолибди. Яхшиямки, мамлакатда янги ўзлаштирилган ердан биринчи йилда солиқ олинмас эди. Янаги йилда ерга буғдой, арпа сепибди, мош экибди. Куз келиб, ҳосил ердан кўтарилганда, деҳқоннинг кўзи қувнабди. Энди қарзлардан қутуламан, деб ўйлаб турганда солиқчилар келишиб, олинган ҳосилни уч тўдага бўлмоқни кўзлабдилар. Элёр деҳқоннинг кўзига дунё қоронғи тортиб, юрагига ғулғула тушибди.

Ўша кунлари Амир Темур Кеш шаҳрига келган экан. Элёр деҳқон ўзи етиштирган буғдойдан ширмон кулчалар тайёрлатиб, Соҳибқирон ҳузурига йўл олибди. Қабулга келган ҳар бир кишининг расмини чизиб Амир Темурга кўрсатишар экан. Деҳқоннинг суратини кўрган заҳоти: «— Бу яхши одамга ўхшайди. Нечун юзида изтироб? Тез олиб киринг уни!» — дебди Соҳибқирон.

Эшик оға деҳқонни ичкари бошлабди. Шоҳона хона ширмон нон ҳидига тўлибди.

Элёр деҳқон дастурхонга ўралган кулчаларни Амир Темурга узатибди.

— Кулчалар ўзинг етиштирган буғдойданми? — сўрабди Соҳибқирон.

— Шундай, амирим! — жавоб қилибди Элёр деҳқон.

— Не арзинг бор?

Элёр деҳқон солиқчиларнинг ғирромлиги ҳақида сўзлабди.

Амир Темур вазирини чақириб, ишни тафтиш этишни, қонунни бузиб, деҳқонларни қийнаётган солиқчиларга тегишли жазо беришни ва уларнинг ўрнига софдил, иймонли кишиларни тайинлашни буюрибди.

— Фарзандларинг кўпми? — сўрабди сўнг.

Элёр деҳқон серфарзанд эканлигини айтибди.

Амир Темур ўйланиб қолибди. Сўнг:

— Агар амалдорлар ва калонторлар оддий фуқарога жабр-зулм қилсалар ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлсалар, зарарни калонторлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига қайтсинлар. Серфарзанд оилалардан имтиёзли солиқлар олиш йўлга қўйилсин! — деган фармон эълон қилибди.

Шундан сўнг мамлакатда деҳқончилик янада гуркираб ривожланибди. Элёр деҳқоннинг номи тилларда достон бўлибди. У хазинадан ажратилган олтин ҳисобига хўжалигини тиклаб олибди. Йилдан-йилга оиласига барака кириб, тез орада бойиб кетибди: бир ўғлига тегирмон, иккинчисига мойжувоз, учинчисига қандолатчилик дўкони қуриб берибди ва эл-юрт орасида Элёрбой деган ном билан машҳур бўлибди.

Тўлқин ҲАЙИТ, Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ.

СПОРТ БАЙРАМИ

Енгил атлетика

Андижонда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги ҳамда «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб вилоят касаба уюшмалари Кенгаши соврини учун аёллар ўртасида ҳудудий эстафета ўтказилди. Унда Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг терма жамоаси, 13 та тармоқ ҳамда Наманган, Фарғона вилоятлари жамоалари иштирок этдилар.

Мусобақага ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. У том маънода спорт мусобақасига айланди. Гуллар маскани бўлмиш Андижондаги энг кўркам Навоий шоҳ кўчасининг икки ёнини тўлдириб турган томошабинлар енгил атлетикачиларни олқишлаб турдилар. Ғолиблик учун баҳслар қизигандан қизиди.

Мусобақа якунида Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгаши терма жамоаси эстафета ғолиблигини қўлга киритганлиги маълум бўлди. Наманганликларга иккинчи, фарғоналикларга эса учинчи ўрин насиб этди. Тармоқлар ўртасида халқ таълими ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси жамоаси биринчи, соғлиқни сақлаш тармоғи қизлари эса иккинчи ўринга муносиб топилди.

Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

АСАКАЛИКЛАР МАҲОРАТИ

Волейбол

Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Андижон Давлат университети спорт мажмуида талаба қизлар ўртасида волейбол мусобақалари бўлиб ўтди. Республика спартакиадаси дастуридан ўрин олган ушбу беллашувларда вилоятдаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жамоалари иштирок этдилар.

Мусобақасиз ўтган баҳслар-нинг ҳал қилувчи сўнгги учрашуви Андижон Давлат университети ҳамда Асака педагогика билим юрти волейболчи қизлари ўртасида кечди. Беллашувларга яхши тайёргарлик кўрган асакаликлар анча кучли рақибларини 2:1 ҳисобида мағлуб этишга муваффақ бўлдилар. 3-ўринни Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти вакиллари қўлга киритишди.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

СОБИР ХОДИЕВНИНГ «ХЕТ-ТРИК»И

"Пахтакор"дан умидимиз катта

Шундай қилиб, орзиқиб кутилган мамлакат юбилей чемпионатининг биринчи тур ўйинларини кўриб, ўзимизни қизиқтирган айрим саволларга жавоб ҳам олгандек бўлдик. Улар қуйидагилар эди: деярли тўлалигича янгидан таркиб топган «Пахтакор» илк имтиҳондан қандай ўтади? Ҳам бош мураббийи, ҳам бир талай етакчи футболчиларини Тошкентга командировка қилган «Навбаҳор» сафарда «Семурғ» жамоаси билан муносиб тўп сура оладими? Қолаверса, ўйин натижаси ва мазмуни кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган ҳакамлар ўз зиммаларига юклангган масъулиятли вазифани қай даражада уддалайди?

Айтиш мумкинки, «Пахтакор» ўйингоҳга келган ўз мухлисларини хушнуд этди. Бу таблода қайд этилган ҳисобдан ҳам маълум — 5:0! Собир Ходиев ушбу ўйинда «хет-трик»ка эришиб, мавсумни яхши спорт формасида кутиб олганлигини тасдиқлай билди. Шуниси диққатга моликки, ўтказиб юборилган тўпларнинг ҳеч бирида «Сурхон» дарвозабонини айблаб бўлмайди. Сабаби, «Пахтакор» футболчилари шу куни анчайин шиддаткорроқ ва маҳоратлироқ эдилар, холос.

Наманганлик футбол ишқибозлари ҳам Ангренда ўз жамоалари намойиш этган ўйиндан сўнг елкаларидан босиб турган шубҳа-гумонлардан қутилгандек бўлдилар. Жамоани бир неча етакчи футболчилар тарк этган эса-да, жанговар руҳидан айрилмаганлигини исботлаб, 2:0 ҳисобида ғолиб чиқди ва бу йил ҳам совринли ўрин учун курашажагини билдириб қўйди.

Энди ҳакамлар ҳақида. Мухлислар «Пахтакор» - «Сурхон» ўртасидаги ўйинда кечган бир эпизоддан ҳам қувондилар, ҳам ҳайратга тушдилар. Бу термизликлар дарвозасига белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпи билан боғлиқ. «Сурхон» ҳимоячиси муқаррар голнинг олдини олиб, тўпни қўли билан ўйнади. Гўё жарима белгилаш билан кифояланиш мумкиндек эди. Аммо ўйинни бошқариб бораётган ҳакам қоида бузган футболчини майдондан ҳам четлаштирди. У ортиқ даражада қаттиққўллик қилиб юбормадими?

Йўқ. Модомики, биз бундан буён халқаро майдонда ўз ўрнимиз учун курашмоққа азму қарор қилган эканмиз, у ерда таркиб топган мезонлар даражасида бўлмоғимиз даркор. «Пахтакор» - «Сурхон» жамоалари ўртасидаги учрашув чоғи юз берган вазиятга хориж-лик ҳакамлар ҳам шубҳасиз шундай жазо белгилар эдилар. Бинобарин, бу қаттиққўллик футболчиларимизни халқаро майдонда сергак ўйнашга ўргатади, кутилмаган ҳолатлардан огоҳ этади. Бу биз учун, айниқса, муҳим.

Йўл-йўлакай яна бир фикр. Олий лига жамоалари сафига «Академия»нинг қўшилиши билан Тошкент шаҳри ва вилоятининг футболдаги «гегемон»лиги бағоят ортиб кетди. Бир йўла етти клуб! Бу ерда гап уларнинг кўплиги ҳақида ҳам эмас. Футболда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айниқса, ўзаро ён босишлардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Шунинг учун, ҳали вақт борида, бир таклифни ўртага ташламоқчи эдик. Бир йўла Тошкент шаҳри ва вилояти чемпионини ҳам аниқлаб олсакчи! Бунинг учун алоҳида турнир ёки биринчилик ўтказиш шарт эмас. Мамлакат чемпионати доирасида ўтказилган ўзаро учрашувлар инобатга олиниб, ҳисоб-китоб қилиб борилади, холос. Ғолибни қандай тақдирлаш эса Футбол федерацияси мутасаддиларига ҳавола. Шундай қилинса, аввалгидек, юқорида зикр этилган хавотирга барҳам берилади, боз устига ким кучли деган саволга ҳам жавоб олинади.

Биз масъулиятли дамлар арафасида турибмиз. Олдинда — терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари. Зеро, ҳар бир ҳаракатимиз ана шу юксак вазифа манфаатларига бўйсундирилиши лозим. Ўзбек футболининг имкониятлари эса катта — биз Осиё ўйинларида чемпион бўлганлигимизни ва бошдан кечирганимиз шукуҳли онларни ҳали унутганимиз йўқ.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Шукуҳли кунлар қувончи...

«ОФАРИН» ТАНЛОВИ ҲАЯЖОНЛАРИ

Эртага пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида «Офарин-2001» - йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантана ўтказилади. Миллий матбуот Марказида ушбу тадбир олдидан ташкилий қўмита ва ҳайъат аъзолари билан журналистларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири, «Офарин» жамғармасининг жамоатчилик асосидаги раиси Хайрулла Жўраев анъанавий танловни ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Тадбирда Адабиёт ва журналистика йўналиши бўйича ҳакамлар ҳайъати раҳбари Наим Каримов, Кино ва телевидение санъати йўналиши бўйича ҳайъат бошлиғи Хотам Файзиев, Театр, мусиқа ва тасвирий санъат йўналиши бўйича ҳакамлар ҳайъати раиси Баҳодир Йўлдошев, «Офарин» жамғармаси ижрочи директори Турсунбой Холиқовлар иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6